Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 16 февраль. СЕШАНБА, № 9 (5.965). Сотувда эркин нархда

## МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари юртимиз аҳли томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларда уни ўрганишга бағишланган анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон бадиий академияси санъатшунослик институтида ўтказилган йиғилиш ҳам айни шу мавзуга қаратилди. Унда академия бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, республика рассомлик колежининг ўқитувчи ва талабалари, санъатшунос олимлар, бошқа ижодий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз буюк келажагини барпо этиш асосан ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканлиги, бу мақсадга эришиш учун уларни тарихимиз, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақидаги хулосалари ижодкорлар фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилиши зарурлигини таъкидладилар. Бу эса ҳар бир ижод аҳлидан миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ўрганиш, уларни амалиётга кенг татбиқ қилишни тақозо этади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев сўзга чиқди.

(ЎзА).

## ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлиб ўтган республика Уламолар Кенгаши йиғилишида йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавобларида маънавиятни юксалтириш борасида ўртага қўйилган масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Йиғилишда мамлакатимизда мустақил давлатчиликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга мадад бериш бўйича Ўзбекистон уламолари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Айни вақтда бу борадаги ишларимизга раҳна солишга интилаётган кучлар мавжудлиги, улар орасида диний экстремистик оқимлар ва гуруҳлар пинҳона ҳаракат қилишга уринаётгани кўрсатиб ўтилди. Шундайлардан бири — хорижий мамлакатлардан бирида фаолият юритаётган «Хезби таҳрири исломия» ташкилоти сўнгги пайтларда юртимиздаги ҳали ғоявий шаклланиб улгурмаган ёшларни тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг онгини заҳарлаб, ўз халқининг ғанимига айлантиришга ҳаракат қилаётганлиги уламолар томонидан ошкора қораланди. Уларнинг кирдикорлари исломнинг асл таълимотига зид эканлиги, халқимизнинг минг йиллик анъаналари ва урф-одатларига мутлақо тўғри келмаслиги ҳамда диндорлар динга бир восита сифатида эмас, балки маънавий покланиш ва юксалиш йўли сифатида мурожаат этиши тўғрилиги алоҳида айтиб ўтилди.

Йиғилишда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан диний экстремистик гуруҳларнинг асл моҳиятини ва халқимизга қарши қаратилган фаолиятини фош этувчи далиллар келтирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мансуров, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

### БУГУННИНГ НАФАСИ



*Деҳқон баҳори остона ҳатлай-ҳатлай деб турибди. Юртимизнинг жанубий ҳудудларида аллақачон бодом гуллади. Боғу роғларда куртаклар бўй кўрсатмоқда.*

*Фурқат туманидаги «Томоша» ширкатлар уюшмасида баҳорги экин-тикин ишларига пухта тараддуд кўрилди. Ҳозиргача 860 гектар ернинг шўри ювилди, 13 километрдан зиёд суғориш шохобчалари тозаланди.*

*Жорий йилда уюшма деҳқонлари 1300 гектар майдонга чигит қадаб, пахта ҳосилдорлигини ҳар гектар ҳисобига 30 центнердан оширишга, 764 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан сара дон йиғиштириб олишга азму қарор қилишган.*

*СУРАТДА: «Томоша» ширкатлар уюшмасининг «Меҳнатобод» ширкатига қарашли 2-бригада даласида ернинг шўрини ювиш пайти. Бу ишда сувчилар Орифжон Маҳмудов ва Охунжон Маматқуловлар жонбозлик кўрсатишмоқда.*

*Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.*

### Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз

## МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАНИНГ, ҚАНДУ АСАЛ ТОТГАНИНГ

**Шарофат ҚЎШБОҚОВА, Иштихон тумани, Шариф Одилов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Шарофат Қўшбоқова» деҳқон хўжалиги бошлиғи:**

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари аввал-бошида мана шундай сатрлар бор: «Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ёдингизда бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айрим давлатлар эски тизимдан воз кечиб, бирданига демократия қурамиз, бирпасда ривожланган мамлакатлар даражасига эришамиз, деб хомхаёл қилган эди. Бугун, орадан етти йил ўтиб, уларнинг қуруқ гап эканини, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади».

Йўлбошчимизнинг одилона эътирофи, ҳаёт сабоқларидан тўплаган тажрибаси, узоқни олдиндан идрок эта билиш салоҳияти юқоридаги фикрларида тўла бўй кўрсатиб турибди. Юртбошимиз билан мухбирнинг икки саҳифадан иборат савол-жавобларни ўзида мужассам этган сарлавҳанинг ўзиям ҳозирги фикримизни исботлайди. Ҳа, муҳтарам Президентимиз ғоят оқилона гапни айтган: «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Халқимизнинг тилидаги ва дилидаги гапнинг айнан ифодаси бу! Ўз халқи ва дунёдаги барча мамлакатлар эҳтиромига, эътирофига сазовор оқил ва зукко раҳбарнинг узоқни кўра билиш башорати бу!

Ўзим, оиламиз аъзоларининг кундалик турмуш тарзидан, меҳнатдаги интилиш ва тажрибаларидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсам, кейинги етти йилнинг сабоқлари, пировард натижаси, муаммолар ечими, бободеҳқон халқимиз руҳидаги уйғоқликнинг ортиши, келажакка устувор ишончи — бари-бариси бир-бир жонланиб, хаёлларим кўзгусини тиниқлаштиради. Тўғри, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Лекин орамизда энди мустақилликка эришдик, буёғи ҳаёт тарзимиз бирданига яхши бўлиб кетади, дея ўзича чучварани хом санаганлар ҳам бўлди. Ҳар қандай янгилик заҳмат, машаққатларсиз ўз тантанасини топмайди. Бу, табиий ҳол, албатта.

Деҳқончиликда ҳам дастлаб тушунмовчиликлар, баъзан иккиланишлар бўлди. Ерни ўзининг ҳақиқий эгаси — деҳқонга, оилавий ижарачиларга беришда кўп ҳолларда сансалорчиликка йўл қўйилди. Шу тариқа муаммолар тўплана борди. Худога шукр, мана энди ҳаммаси секин-асталик билан бўлса-да, ўз изига тушаяпти. Ҳалол меҳнат эвазига келадиган манфаатдорликка кенг йўл очилаяпти.

Узоққа бормайлик — ўзим етакчилик қилаётган «Шарофат Қўшбоқова» деҳқон хўжалиги хусусида бироз тўхталмоқчиман. Жамоамиз Иштихон тумани Шариф Одилов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги қир-адирликлардан иборат ерларда фаолият кўрсатаяпти. Даставвал жамоа хўжалиги тасарруфида бўлдик, эндиликда мустақил деҳқон хўжалиги сифатида иш олиб бораяпмиз. Ихтиёримизда 19 гектар ер бор. Шунинг 8 гектари токзор, бир гектари уй-жой ва томорқа учун ажратилган. 1998 — Оила йилида 10 гектар майдонда пахта етиштирдик. Бундан икки йил олдин пахтага 5 гектар ер ажратиб, 1997 йилни муваффақиятли якунлаган эдик. Ўша йили жами 14 тонна юқори навли ҳосил йиғиб олгандик. Ҳосилдорлик ҳар гектар пахта майдонига 29 центнерга тўғри келганди. Шунга яраша манфаатдорлик ошаяпти. Митан пахта тозалаш заводи билан ҳамкорликда шартнома тузиб, шу асосда иш юритаяпмиз. Бултур ҳам деҳқончиликдан арзугилик фойда кўрдик. Рўзғоримиз тўкин, кўнглимиз равшан. Элимиз рўзғорига ва дастурхонига қут-барака тилаган ҳолда, ҳар қалай, оиламиз шароитини ҳам яхшилаб олаяпмиз. Яратганга беадад шукр, оиламиз ва болаларим бахтига соғ ва омонман, яна аввалгидай тетик ва ўктам руҳдаман. Нега десангиз, қарийб бир йилча оғир дардга чалиниб, тўшакда михланиб қолдим. Кўрсатмаган шифокору табибларим қолмади. Умр йўлдошим — Барака акангиз барака топсин! Шифо топиб кетишим учун деҳқончилик ва оила юмушларидан ортиб югур-югурни ҳам жойига қўйди. Болаларимга бош бўлиб, деҳқон хўжалиги ишларини издан чиқариб қўймади. Гоҳ ўзининг енгил автомашинасида, гоҳ тракторда кунларни тунларга, тунларни тонгларга улади. 7 нафар фарзандимизнинг ҳаммаси худди бир муштга йиғилгандай пахта даламизда, токзорда тер тўкишди. Қизим Саодат, ўғлим Шодиёр, келиним Ҳилола ва бошқа фарзандларимиз — Мавлуда, Сабоҳат, Бахтиёр, Келдиёр ва Маъмуралар ҳам ҳамма юмушларда камарбаста бўлишди. Ҳатто Шодиёржонимнинг ва Ҳилолахоннинг бир-биридан ширин икки нафар фарзанди — Бахтинисо, Ҳусанжонлар ҳам оиладаги ва деҳқон хўжалигимиздаги қувончларимизга қувонч қўшишди.

Фақат биргина бизнинг деҳқон хўжалигимиз эмас, балки даласи далаларимизга туташ — «Олтинсой» — раҳбари Холбўта Ёдгоров, «Орол» — етакчиси Сайдурасул Қаршиев, «Холиқ бобо» — бошлиғи Холиқ Турдиев ва бошқа бир талай деҳқон хўжаликлари жамоасининг ҳам ишлари аъло. Деҳқончилигига, иншооллоҳ, Яратганнинг ўзи қут ва барака бераяпти. Биз, деҳқонлар учун бундан ортиқ қувонч борми!

**Суҳбатдош: Абдулла ТУРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## БАХТИ БАРКАМОЛ АВЛОД

Биз, ёшларга мустақил мамлакатимизда кўрсатилаётган ғоят катта эътибор, меҳрибонликлар, билим олишимиз, баркамол инсон бўлиб етишишимиз учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар бу ғамхўрликларга эл-юртга муносиб фарзанд бўлиш билан жавоб қайтаришга, Ўзбекистоннинг довруғини бутун дунёга ёйишга ундамоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоб берар эканлар, келажак эгалари бўлган ёшлардан умидлари жуда катта эканликларини яна бир карра изҳор этдилар. Хусусан, «...Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажагига катта ишонч ва завқ билан қарайман», деб алоҳида таъкидлаганликлари биз ёшларни ғоят тўлқинлантириб юборди.

Дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган... Ана шу ибора ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, биз айни шундай ёшларга мансуб эканлигимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз ва бу зиммамизга ғоят катта масъулият юклайди. Истиқлол берган неъматлардан тўла-тўкис фойдаланаётганлигимизга кейинги етти йиллик ҳаётимиз тўла мисол бўла олади. Мактабдаги тўртинчи синфдан кейинги билим-тарбия олишимиз мустақиллик даврига тўғри келди. 1995/1996 ўқув йилида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошида лицей-интернат очилганлигидан хабардор бўлган ота-оналаримиз шу ерда билим-тарбия олишимиз ҳақида қайғуришди. Икки йил давомида Аҳрор Ҳусанов, Ширин Охунова, Умида Йўлдошева, Нурилла Йўлдошевлардан билим-тарбия олдик. Улар замонавий фанларни чуқур ўргатганликлари, бозор иқтисодиёти бўйича дастлабки кўникмани ҳосил қилганликлари туфайли 1998 йили тест синовларидан юқори балл тўплаб, олийгоҳнинг сув хўжалиги иқтисодини ташкил этиш факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлдик. Ҳозирги пайтда Учқун Холматов, Меҳриддин Нуриддинов каби устозларимиз биз — ёшлар илм-фаннинг машаққатли сўқмоқларидан олға интилишимизга, бозор муносабатлари талаби даражасида малака ва кўникма ҳосил қилишимизга кўмаклашаяптилар. Биз барча устозларимизга ўз дил изҳоримизни билдирар эканмиз, келажакда эл-юрт учун малакали мутахассислар бўлиб етишишга ёшлик ғайрат-шижоатини бахшида этамиз.

**Ҳамидулла ЮНУСОВ, Дилмурод РЎЗИБОЕВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабалари.**

## ПИЛЛА — БИЛГАНГА ТИЛЛА

**Барча соҳалар қаторида бухоролик миришкорлар пиллачиликда ҳам ўзига хос тажрибага эга. Ўтган хўжалик йили, айниқса, соҳани юксалтиришга катта имкон берди. Тез етиладиган, жаҳон тажрибасида синаб кўрилган навлар амалиётда қўлланилганлиги боис, режа ортиғи билан уддаланиб, таннарх анча арзонлашди.**

**Шу кунларда тармоқни кенгайтириш масаласи бош мақсадга айланган. Биринчи галда тут плантациялари кўпайтирилаяпти. 200 гектарга кўчат экилиб, парваришланаяпти. Бу юмушларда қатнашаётганларга барча шароитлар яратилган.**

Ҳ. АБДУСАМИЕВ.

## МИРИШКОР МЕҲРИДАН БАҲРА ОЛИБ

Бағдод тумани хўжаликлари орасида 1998 йили пахта тайёрлаш топшириғини ошириб бажарган ягона «Намуна» ширкатлар уюшмаси бўлди. Давлатга сотилган 2355 тонна «Фарғона-3» нави пахтанинг 1340 тоннаси уруғликка қабул қилинди. Давлатга пилла, дон, мева, узум, картошка сотиш топшириқлари ҳам ўринланган. Ширкатлар уюшмаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотишдан 114 миллион сўм ялпи даромад олди. Уруғлик пахта етиштирилгани учун ширкат 5 миллион сўм қўшимча даромад қилди. Фойда 15 миллион сўмни ташкил этди, рентабеллик 12,8 фоизга етди. Дала ишларида қатнашган аъзоларга ўтган йили 30 миллион сўм ойлик маоши тўланган.

Хўш, ширкатлар уюшмасида 1999 йил ҳосилига қандай замин яратилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг кузги-қишки дала юмушларини тез, сифатли ўтказиш ҳақидаги қарорлари қандай ижро қилинмоқда.

Биз идорага борганда ширкатлар уюшмаси раиси Акрамжон Сиддиқов, раис ўринбосари Олимжон Мусурмонқулов пахтачилик ва ғаллачилик бўйича тузилган оилавий звеноларнинг 1999 йил шартномаларини кўриб чиқиб, имзолашаётган экан. Шартномаларга кўра ширкатлар уюшмаси Аёллар йилида 820 гектар майдонга «Фарғона-3» навли пахта экиб, 29 центнердан ҳосил олиши ва 476 гектар бошоқли экинлардан 2223 тонна дон етиштириши режалаштирилибди. Боғлардан эса 115 тонна мева, 124 тонна сабзавот, 45 тонна полиз олиш ниятлари бор.

— Бу режаларни бажариш учун қандай замин яратмоқдасизлар, сўрадик раисдан.

— Бироз кечикиб бўлса-да, барча пахта экиладиган майдонларни кузда шудгорладик, — дейди А. Сиддиқов. — Айни чоғда қаттиқ қиш ҳавоси бўлса ҳам дала ишларида 400 нафар аъзолар қатнашмоқда, 21 та пахтачилик, ғаллачилик бригадаларида шўр ювиш, яхоб бериш ва маҳаллий ўғит жамғариш, ички сув йўлларини тартибга солиш, янги дарахт кўчатлари экиш ниҳоясига етказилмоқда. Далада ҳозир— 5 та трактор, 8 та транспорт трактори, 2 та юклагич техникалари иш бажармоқда. Шу кунгача 8 километр зовур тозаланди. 17800 кубометр тупроқ қазиш, 8590 кубометр ариқ тозалаш ишлари бажарилди, қўл кучида барча пайкалларнинг уватларидаги ариқлар созланди. Хўжаликнинг ички зовурларини қазиш йил давомида 56 километрга етказилади. Ерларнинг захини қочириш муҳим вазифа бўлиб турибди. Бизнинг шароитда юз фоиз экин майдонларининг шўри 2-3 маротаба ювилади. Ҳозир 350 гектар майдонга пол олиб, 2 марта шўр ювилди, 700 гектар майдонга яхоб суви таралади. Ширкатларда гўнг чиқарадиган унумдорлик отрядлари тузилган, улар 8000 тонна маҳаллий ўғит, 740 тонна компост тайёрладилар. Баҳорги чигит экишга яроқли техникалар таъмирланмоқда. 17 та культиватор, 12 та сеялка, 2 дона пушта устига чигит ташлайдиган сеялка таъмирланиб, тахт қилинди.

Кузги юмушлар ҳақида 4-участканинг 15-бригадаси бошлиғи Мирзажон Расулов билан суҳбатлашдик.

— Пахтачиликда 5 та, ғаллачиликда 2 та оилавий звенолар тузилган, — дейди у. — 41,1 гектар майдондан 32 центнердан уруғлик пахта етиштирамиз. Ҳозир ерларнинг шўри ювилмоқда, маҳаллий ўғит жамғардик. Биринчи апрелдан пушта устига чигит экишни бошлаймиз. 10,1 гектардаги «Юна» навли буғдойни парваришлаётган Иномжон Тешабоев, Маҳмуджон Йигиталиевларнинг оилавий звеноси гектаридан 40 центнердан дон етиштириш учун курашмоқда. Яшил ниҳолларга икки марта ўғит, сув берилди.

Дарҳақиқат, ширкатлар уюшмасининг деҳқонлари 476 гектар майдондаги буғдойни ардоқлаб ўстирмоқдалар. Кун сайин ривожланиб, кўкка бўй чўзаётган буғдой ниҳоллари деҳқон меҳридан баҳра олмоқда. Намуналиклар бу йил ҳам деҳқончиликда туманда пешқадам бўлиш ниятида мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлашмоқда.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

### Матбуот сўзининг таъсири

## АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ, ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Чорва билганга кони фойда. Унинг ўзига яраша ташвиши ҳам, роҳати ҳам бор. Моллардан яхшигина маҳсулот оламан, даромад қиламан деган чорвадор йил бўйи меҳнат қилиши керак. Қировли қишга етарли ем-хашак, тўйимли озуқа жамғарилиши лозим. Моллар олдига похол солиб, ем бермай маҳсулот оламан деганлар янглишади. Ёзнинг иссиқ кунларида молхоналарни таъмирламай, ширали озуқа жамғармаган Бекобод тумани баъзи чорвадорлари қировли қишда «аттанг» деб бармоқларини тишлаб қолишди.***

***«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг шу йил 2-сонида чоп этилган «Балчиқ кечиб, қор ялаган бузоқлар» сарлавҳали мақолада айрим боқибеғам чорвадорлар танқид қилинган эди.***

***Таҳририятимизга яқинда ушбу танқидий мақолага туман ҳокимлигидан хат келди. Уни эътиборингизга ҳавола этамиз.***

Бекобод тумани ҳокимлиги «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1999 йил 11 январь сонида эълон қилинган «Балчиқ кечиб, қор ялаган бузоқлар» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Мақола хўжалик раҳбарлари, хусусий фермалар бошлиқлари ва чорвачилик мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган камчиликлар тўғри деб топилди. Жумладан фермалар қишловга сифатсиз тайёрланган. Озуқа базаси яратилмаган, моллар бош сони сезиларли даражада камайиб кетган. Бу камчиликлар мақолада тўғри ва ҳаққоний кўрсатиб ўтилган. Юқорида қайд этилган камчиликларни тезда бартараф этиш, чорва қишловини намунали ўтказиш юзасидан туман ҳокимлиги тадбирлар ишлаб чиқди.

Ҳокимнинг фармойиши билан мақолада тилга олинган Улуғбек номли жамоа хўжалигининг раиси М. Расулов огоҳлантирилди. Хўжалик бош зоотехниги А. Маллабоев ва бош ветеринар шифокори И. Сувонқуловларга ҳайфсан эълон қилинди. «Истиқлол» хусусий фермаси бошлиғи Б. Бегматовга ҳайфсан эълон қилиниб, давлат назорат инспекциясига мутахассисларни жалб этган ҳолда фермада қайтадан текшириш ўтказиш вазифаси юклатилди.

Мавлонов номли жамоа хўжалиги раиси А. Абдужабборовга, «Иттифоқ» хусусий фермаси бошлиғи А. Акбаровга, «Қолгансир» хусусий фермаси бошлиғи Х. Турдиқуловларга йўл қўйган камчиликлари кўрсатиб ўтилди. Жойлардаги фермалар ишини яхши назорат қилмаётганликлари, чорва молларининг касалланишига ва мажбуран сўйиб юборилишига йўл қўйганликлари учун туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича муовини А. Ражабовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилиниб, вилоят бош ветеринар шифокорига туман бош ветеринар шифокори А. Ҳокимовнинг ишда қолиш-қолмаслиги масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди.

Бекобод тумани ҳокимлиги бундан буён ҳам чорвачилик соҳасига эътиборни янада кучайтириб, камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чора-тадбирларни кўраверади.

**Н. ЭСОНОВ, Бекобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари.**

## КЎКЛАМГА ШАЙ

**Қўриқ Бўз туманидаги «Янги ҳаёт» хўжалиги пахтакорлари бу йил 750 гектар ерга чигит экадилар. Ана шу майдоннинг деярли тенг ярмида ер шўри ювилиши керак эди. Бу иш қисқа муддатда сифатли бажарилди. Шунингдек хўжаликдаги мавжуд сеялка, чопиқ тракторлари ҳамда чигит экиш техникаси таъмирдан чиқарилди.**

**Тумандаги ўнта хўжаликнинг барчасида кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик ниҳоясига етказилмокда. Бу йил туман пахтакорлари 7 минг 463 гектар ерда пахта етиштирадилар.**

## ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛСА...

**Наманган туманидаги йўл қурилиши ва таъмирлаш бошқармаси жамоаси бу йил ташкил топганлигининг чорак асрлик тўйини нишонлайди. Бошқарма маъмурияти ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш уларга қулай шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратмокда.**

**Излаган имконият қидиради, деганларидай корхонада бугунги бозор муносабатларга ўтиш даврида ҳам ойлик маошлари, мукофот пуллари ўз вақтида бериб турилибди. У. Мамаев, С.. Қаҳҳоров, М. Мамажоновлар барча соҳада ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.**

Б. ҚЎШМОНОВ.

1999 йил — Аёллар йили

# БОНУ ДЕЯ АРДОҚЛАШГА ЛОЙИҚ

Бу аёлларни болалигимдан яхши биламан. Улар ана бахтли бўламан, мана яхши яшайман, деб умрларининг гўзал онларини ўтказиб юбордилар. Болаликларидаёқ бошига турмуш ташвиши тушган бу қизалоқлар бирдан улғайиб қолгандилар. Гап-сўзларида, юриш-туришларида катталарга хос одатлар зоҳир эди. Айниқса, бу қизларда орият, ғурур кучли эди. Лаънати уруш бошланганда улар бугун мен суҳбатлашиб ўтирган Жаннат опа Ғофурова ҳам, Турсун опа Маматова ҳам, Нозбуви опа Юнусалиева ҳам, Каромат хола, Робия келинойи, Адолат опамлар ҳам эндигина ўн икки-ўн уч ёшли эдилар. Йигитлар қайтмас бўлиб кетдилар жанггоҳларга. Далалар, тракторлар, қўш ҳўкизли омочлар, омборхоналар бўш қолди. Ишлаш учун одам қолмагандай гўё. Аммо жамоа ҳаракат қилиши керак. Маҳаллада Эргаш Ҳотамов деган бригадир бўларди. Одамларга меҳрибон, дағалроқ овозда гапирса ҳам кишининг дилини оғритмайдиган ширин сўз киши эдилар. Бир куни у маҳалладаги ўн икки-ўн уч ёшли қизларни тўплаб, далага чорлади. Бу қизларни шу ёшгача оналари тишида тишлаб, суяб-суяниб катта қилган эди. Дунёда энг оғир арава — турмуш. Акс ҳолда ҳали сочларидан тол баргаклари аримаган шу қизалоқлар далага чиқармиди?!

— Жамол Файзиев деган болакай бўларди, — дея аста ҳикоя қилади Жаннат опам, — Даладаги барча иш ўзимизга қолган, пахтани яганалардик, кейин шоли ўтоғига борардик. Сўнгра буғдой ўроғи бошланарди. Қуруқсойда ойлаб ўроқчилик қилардик, Жамол эса Оҳангарон дарёси бўйларидан ғалла боғлайдиган ўтларни эшагига ортиб чиқарди. Ейдиганимиз бир қадоқ сузмаю кунга тутса кун кўринадиган арпа нон, гоҳида зоғора, иссиқ овқат қайда. Олма баргидан дамланган чой жонимизга оро кирарди. Бу ҳам бир қисмат-да. Уруш азобларини эслагим келмайди. Қирқ тўртинчи йил бўлса керак, мактабларни ёпиб қўйдилар. Урушдан сал олдин қуриб битказилган мактабимиз биноси йигитларни ҳарбийга ўргатадиган жойга айланди. Ўша йили мен қўш ҳайдайман. Турсуной — зиғир экадиган звенони бошқаради. Адолат — шоличиликка масъул. Нозбуви ўзича звено тузиб қанд лавлаги экан. Ҳамма звеноларда фақат мактаб ёшидаги болалару соч попук таққан қизалоқлар. Ойлаб уй юзини кўрмаймиз. Уруш даври ўз суронлари билан ҳеч кимни аямади. Хурсанд опа тракторчиликни ўрганиб кечаю кундуз ер ҳайдади. Бозорой хола ҳам тракторчи эди. Ғаллани ҳўкизлар билан янчиб олардик. Янчилган ғалла эшакларга ортилиб, ёш болалар етагида «Заготзерно»га топшириларди. Хўжалигимизда пахта ҳам экиларди, унинг теримига ҳам аксари чоллар, кампирлар, ёш болалар чиқариларди. Қишда ҳам кўсак чувиб топширардик.

...Ҳали бола эдим, мактабга биринчи марта борган қирқ учинчи йил бўлса керак. Қорахитойнинг бўм-бўш кўчасидан кетаётиб, икки хўкиз қўшилган шақилдоқ аравада Адолат опамнинг Оҳангарон тумани марказига ғалла ташиётганини кўрганман. Хўкизлари қурмагур Адолат опамга бўй бермай, чопишади, кизалоқ бечора «Хўп-хўп»лаб қўлидаги ўзидан икки ҳисса узун гаврон билан уларни катта йўлга солади. «Заготзерно»да эса зилдай ғалла қопларни яна ўзи бўшатади. Яна эсимда бор, бир маҳаллар — балки бу уруш тамом бўлиб, эндигина бирин-сирин эркаклар армиядан қайтиб келган пайтлар бўлса керак, ойдин тунда маҳаллада кечаси болалару қизалоқлар бекинмачоқ ўйнардик. Мен Нозбуви опага қараб осмондаги тўлин ойни кўрсатдим. Нозбуви опам осмонга қараб узоқ тикилдилар, қаттиқ хўрсиниб, билинар-билинмас овозда: — ой тўлади, кўнгил тўлмайди, деб қўйдилар. Албатта болалик қилиб бу гапни тушунмагандирман, унинг маъноларини энди уқяпман.

Бугун уруш даврида умрининг гўзал онлари кечган аёллар Жаннат опамнинг уйларига тўпланишган. Уларнинг чеҳраларига қарайману кўзларида қандайдир мунг, юзларидаги ажинлар, пахтадай оппоқ сочлар ўша оғир йиллардан нишона. Ҳа, бу аёлларнинг болалиги, ёшлиги, ҳуснлари, болалик қувноқликлари эгатларда, уватларда, Қуруқсойнинг ғаллазорларида тўкилиб қолган. Шуниси қувончлики, шунча воқеалар: далаю даштларда, шолизору экинзорларда тунукун, ойлаб, ҳафталаб қолиб кетсалар ҳам улар ҳақида ёмон сўзлар ораламади. Кейинчалик уларнинг ҳаммаси қорахитойнинг чароғон хонадонларига зебо келинлар бўлиб тушишди. Мен бир вақтлар эркаклардан қолишмай меҳнат қилган опахонларга боқиб бир ҳақиқатни англайман. Уларнинг баъзиларида ҳали ҳам узун-узун сочлар учига қандайдир тангачалар тақиб олишган, миллийлигини сақлага., Зотан, ўзбек аёллари иффати, ҳаёси билан бирга момоларидан ёдгор бўлиб қолган узун сочларини асрашни ҳам яхши билиши керак. Бу ҳақда яна Жаннат опамдан сўрайман.

— Соч— аёлнинг кўрки, унда аёлнинг фақат ҳусни эмас, оқилаю барнолиги ҳам яширинган бўлади. Ўзингиз ўйланг, уқувсиз аёл узун сочни қандай эплайди. Аслида сочи узунлик ҳам донолик аломати.

— Менга, қаранг, қайним, — дея суҳбатга аралашади Робия кеннойим. — Назаримда кейинги пайтда эркакларимиз сал эътиборсиз бўлиб боришмоқдами? Аёлларга нисбат берилиб айтилган хони, бегойим, бону, нисо, малика деган сўзларни жуда кам эшитадиган бўлиб қолдик. Президентимиз бу йилни Аёллар йили деб белгилаган эканлар, энди эркакларимиз аёллар номига ўша гўзал сифатларни ҳам қўшиб айтишни ўргансалар ёмон бўлмасди...

Шу аснода Жаннат опам овқат келтирдилар. Меҳмон кутиш Жаннат опамдан ўтаверсин-да. Қозонга барча аёллар соладиган масаллиқ ташланса-да, опа тайёрлаган таом бошқа-да. Одам боласининг қўли шунақа ширин бўладими?! Овқат асносида Турсун опамга юзланиб, ҳазил-мутойиба билан сўрайман.

— Бу йил Аёллар йили, юртимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шундай қутлуғ йилда биз — эркакларни ўкситиб қўймайсизларми, ишқилиб?

— Вой укагинамей, аёлларнинг ҳаёти, тирикчилиги эркаклар билан-ку. Биз нима, нари борса эркакка суянган, эркак ҳимоясидаги зотмиз. Ниятим эркакларнинг доимо қўли ва кўнгли баланд турсин. Эркакларнинг кифтларини кафтларим билан зиёрат қилиб, кўзимга сурта-сурта яратгандан тилайман: Оллоҳим, бош паноҳимиз, ўғилу оғаларимизнинг барини балоқазолардан ўзинг омон асра, бу ёғига биз камарбастамиз!

...Жаннат опамнинг хонадонидан кўнглим нурга тўлиб чиқдим.

**Мўмин ҚАЮМОВ.**



**«Чортоқ — Барака» деҳқон-фермер хўжалигининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Соҳанинг ҳадисини олган фидойиларнинг тадбиркорлиги туфайли бу ерда чорвачилик ривожланмокда. Ҳозирги кунда 140 бош мол рацион асосида парваришланяпти. Озуқа базасининг мустаҳкамлиги соҳадан мўл-кўл маҳсулот етиштиришга имкон бермокда.**

**СУРАТДА: фермер хўжалиги бошлиғи Нўъмон Темиров.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## МИРОБЛАР ТАРАДДУДИ

**Қизириқ тумани хўжаликларида баҳорги экин-тикин мавсумига қизғин тайёргарлик кўрилмокда. Туманда суғориш тармоқларини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳозирдаёқ 405 километрли суғориш тармоғидан 372,5 километри таъмирланди.**

**Жанубий Сурхон сув омборидан сув оладиган йирик «чап тармоқ» ва «Р'4 А» каналларида тозалаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Улардаги барча гидротехник иншоотлар ҳамда гидрогатлар сифатли таъмирдан чиқарилди.**

(ЎзА).

## ПЕШКУ ТУМАНИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Автомобилларнинг электр тизимини тузатиш устахонасининг Зандани деҳқон бозорида очилиши кўпчиликни хурсанд қилди. Чунки, машинасининг электр қисмлари ишламай қолган ҳайдовчилар эндиликда уста ва устахона ахтариб овора бўлишмайди. Бу ишнинг ташаббускори туман деҳқон бозорининг маъмурияти бўлди.

Бу ерда ўз касбининг моҳир усталари Саври Иброҳимова, Мурод Остоновлар ҳамда ёш созловчи Улуғбек Саъдиевлар сидқидил хизмат кўрсатишмоқда.

* * *

«Туркистон» жамоа хўжалиги бошқаруви ҳар қандай қийин шароитда ҳам барча 12 та қишлоққа газ олиб келишни ниҳоясига етказди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўтган йилнинг ўзидаёқ бу муҳим ишга 9 миллион сўмдан зиёд пул сарфланди.

Газлаштириш ишларини «Наврўз» фирмаси жамоаси қисқа фурсатда бажарди.

* * *

Шу кунларда тумандаги ҳамма хўжаликларнинг машина-трактор паркларида қишлоқ хўжалик техникаси, экиш сеялкалари, бороналар, чизеллар ва бошқа кўкламда ишлатиладиган механизмларни таъмирлаш қизғин бораяпти.

«Туркистонлик»лар ҳам техника ва бошқа асбоб-ускуналарни баҳорги мавсумга бекаму кўст тайёрлаб қўймоқдалар. База мудири Давлат Яхшиев, механик Рустам Жумаев, созловчилар Назар Арабов, Камол Умаров, темирчи Аҳтам Дониёров, токар Зулфиддин Дурназаров таъмирлаш ишларини сифатли бажармоқдалар.

С. ҚОДИРОВ.

## САБЗАВОТДАН ШАКАР ҚИЁМИ

**Фарғона давлат университетининг бир гуруҳ олимлари қишлоқ хўжалигида яхши самара берадиган янгилик татбиқ этишди. Доцентлар Н. Исмоилов, А. Мирзақулов, химия фанлари номзоди З. Сафоевларнинг изланишлари туфайли қанд лавлагидан 70—78 фоизгача шакарга эга бўлган қиём олиш технологияси жорий қилинди. Дастлабки ҳисоб-китоблар ҳар 10 тонна қайта ишланган қанд лавлагисидан 200 минг сўм иқтисодий фойда олиш мумкинлигини кўрсатди. Шакар қиёми олишга мўлжалланган қурилма содда тузилишда бўлиб, ширкатлар, фермерлар учун қулайдир. Олимларнинг изланишлари бошқа ширали мева-сабзавотлардан ҳам қиём олиш мумкинлигини кўрсатди.**

## СОЯДАН ОҚСИЛ

**Профессор Ҳ. Қурбонов раҳбарлигидаги гуруҳ лаборатория шароитида соя чиқиндисидан оқсил олиш устида иш олиб борди. Тадқиқотни жорий қилишга «Фарғонагўшт» акционерлик жамияти ҳомийлик қилди. Ниҳоят, изланишлар ижобий самара бериб, 3—4 килограмм соя чиқиндисидан бир килограмм оқсил олиш тажрибада исботланди. Агар тажриба ишлаб чиқаришда қўлланилса, бир тонна соя чиқиндисидан юз минг сўм иқтисодий фойда кўриш мумкин. Оқсил гўшт маҳсулотлари ва қандолат, шунингдек болалар озиқ-овқатлари ишлаб чиқаришда катта самара беради. Шу боис олимлар мой ва оқсилга бой соя ўсимлигини кўпроқ экишни тавсия қилмоқдалар.**

М. РАХИМОВ.

## ЭЛ РИЗҚИГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

**Шеробод туманининг айрим хўжаликларида ҳукуматимизнинг экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисидаги қарорига эътиборсизлик билан қараб келинмоқда. Гўё, бу иш фақат ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига юклатилгандек.**

**Тумандаги Эшбой Бердиев номли, Улаш Туропов номли, «Ўзбекистон», «Таллашқон» хўжаликларида ғалла майдонлари қаровсиз ташлаб қўйилган. Бўлмаса куппа-кундуз куни Турдимурод Чориев, Норали Худоёров деган кимсалар молини экинзорда боқармиди? Йилнинг бошидан буён туманда 14 марта экинзорда боқилаётган моллар ушланган. Ёш болалар-ку молини билиб-билмай майсага ўтлатгандир. Аммо Эшбой Бердиев номли хўжаликда бригадир бўлиб ишловчи Шохдор Абдулахатовнинг 13 бош қорамолини ғаллазорда ўтлатганини қандай баҳолаш мумкин?**

**Туман ички ишлар бўлими бундай номаъқул ҳолларга қарши курашмоқда. Моллари экинларни пайҳон қилган кишиларга жарима солиняпти. Тўпланган материаллар чора кўриш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, судга юборилмоқда. Аммо хўжаликларнинг раҳбари-ю мутахассислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қаёққа қарамоқда? Наҳотки, элимизнинг, халқимизнинг ризқига муносабат шундай бўлса?**

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

# ХИЗР НАЗАРИ ТУШГАН ОДАМ

*Очерк*

Субҳидам. Шарқ уфқи узра оппоқ сутга оққандай. Тонгнинг ҳарир пардаси енгил шабадада оҳиста чайқалиб, борлиқ ажиб манзара касб этмоқда эди. Олис-яқинларда бир-бирларига гал бермай қичқираётган хўрозларнинг овози ўчиб, уларга жўр бўлган итлар ҳам тумшуқларини икки оёқларига тираб, субҳидам ҳуснига маҳлиё бўлгандек жим қолдилар. Бу ажиб сукунатни қизлар, келинчаклар бузишди. Улар кокилларини силкиб, кимўзар ўйнашгандек, шоша-пиша кўчаларга сув сепиб, дарвозалар атрофини супириб-сидиришга тушдилар.

Саҳар турганнинг рисқи саккиз. Бибинисо ая таманно ила айвонга чиқиб, ҳовлига кўз ташлади: атроф ёғ тушса ялагудек покиза. Келини Турдихон қўлидаги челакни оҳиста ерга қўйиб, салом бериб, сўрашди.

— Маърифжон тузукми? Ўғилгинам тинч ухладими? — хавотир ила сўради она.

— Йўқ, аяжон! Туни билан бошларини чангаллаб тўлғониб чиқдилар.

— Қайдан ёпишди, боламга бу дард!

Бибинисо ая шошиб уйга кирди: қалин тўшакда бошини икки қўли билан чангаллаб, шипга қараб ётган паҳлавондек ўғлининг тепасига ўтириб, дилбандининг кенг манглайини силади: яхга қўли теккандек сесканди, унинг қалин қора сочлари остига бармоқларини суқди: яна муз. Дард келди, дармони кетди.

— Ўғлим, кўрсатмаган докторинг қолмади. Тўнгандаги шифокорингга бор. Ўшанинг дорисидан наф олгандинг.

— У киши бандаликни бажо келтирган, деб сизга кўп айтдим-ку, аяжон.

— Айтдинг, болам. Биронта меросхўри бордир. Дориларидан қолгандир.

Маъруфжон тоғ бағрида, пасти-баланд қоялар, шаршарали даралар орасида жойлашган Масанги қишлоғига кўп борганди. Қачонлардир Тибетда ўқиб келган шифокор чол билан қадрдон бўлиб қолганди. Оқ яхтак кийиб, пешонасини сарғиш белбоғ билан чиройли боғлаб олган, оқ-сариқ юзига узун соқоли ярашган, басавлат мўйсафид у қачон борса, қандайдир кўкатларни, ҳар хил илдизлар, ғалати ёнғоқчаларни халтачаларга жойлаб, устига аллақандай белгилар чизиб ўтирган бўларди.

— Болам, дард битта — даъвоси мингта, — дерди чол. — Тоғ тўла дори. Ҳизр назари тушган одам уларни билади, кўради...

Она сўзи йигит хаёлини бўлди.

— Катта дадангни эслайсанми, болам? — сўради у ўғлидан. — Бир юз олти ёшга кириб, дард кўрмади, бирон ерим оғриди, демади. Умр бўйи Арслонбобо отага сиғиниб ўтди. Тоғдан топган оқ чақмоқ тоши билан не-не беморларни даволади. Илоҳим, Катта даданг руҳи сенга ёр бўлсин. Арслонбобо отага сиғин, Намозтошга бориб, зиёрат қил. Ажаб эмас, дарддан фориғ бўлсанг...

Она юраги ҳамиша бедор — кўп нарсадан хабардор. Маъруф она илтижосини қалбига жо қилиб, дўсти Носир ҳамкорлигида тоққа йўл олди. Уларни мотоциклда сой бўйига келтириб қўйишди. Омонат кўприкдан ўтилгач, тоғ сўқмоқлари бошланди. Баҳор жалаларидан қудрат олган сой қўнғир рангда тошларга урилиб, қирғоқларга кўпик сочиб, пишқириб оқмоқда эди. Маъруф ёшлигида Катта дадаси елкасига ўтказиб сойдан кечиб ўтганини эслади. Ям-яшил борлиқ, турфа ранг гул-чечакларни кўриб, йигитнинг кайфияти чоғ бўлиб, бошига ғужғон солган ола-чалпоқ хаёллар тарқалиб дардини ҳам унутди. Ахир, қуёш, ҳаво — дардга даво!

Пастак арчалар тагида яшил кўкатлар остида зумраддек очилиб ётган чучмомалардан териб, чеккасига қистирди. Чўнтакларини тоғ ялпизлари билан тўлдирди. У гўё қанот чиқаргандек сўқмоқлардан учиб, ҳиргойи қилиб юқорига кўтарилиб борарди. Юриш оғирлашиб ортда қолаётган ҳамроҳи «намунча шошилмасанг, секин юр» деб гоҳ-гоҳ нола қилиб қўярди. Баҳор сепини ёйган тоғ сўқмоқлари, чор-атроф бу кун ғоят сўлим ва гўзал эди. Сўфитўрғайлар ўйини, зағизғонлар чақ-чақи, майналар чуғур-чуғури, гоҳо уларга жўр бўлган булбуллар хониши тоғ гўзалликларига сингиб, сирли-сеҳрли манзара кашф этган эди. Тўққиз булоқ манзили яна ўзгача: бу жойлар баҳор қўйнида беҳад гўзаллашган эди. Маъруф ғоят хуш кўрган манзиллар! Ёшлигида Катта дадаси уни бу ерга кўп марта олиб келган. Йигитлик чоғларида эса ўзи ҳам ҳар ҳафтада сайил қилган жойлар: Кичик шаршара, Катта шаршаралар ёнида атрофга сачраётган нуҳраларга кўмилиб ҳузур олиб, енгил тортди. Йигит бўйи баробар ўсган ўтларни қўллари билан икки ёнга ёриб, сўқмоқдан ёлғиз булоқ бўйига бурилди. Пастак жийда шоҳига қизғиш йўлли оқ яхтак ёйилган. Булоқ бўйида енгларини шимарган бир мўйсафид сув ичмоқда эди. Маъруф яхтак ёнига келиб, нуронийга салом берди. Чол ёқимли овозда алик олди, сўнг сўради:

— Йўл бўлсин, болам?

— Намозтошга зиёратга.

— Биз-да аш ёққа! Кўп азият чекибсан-да! Яхтак этагини пастроқ суриб қўй, ювиниб олай...

Маъруф жийда шохларига омонат ташлаб қўйилган яхтак барини ушлаб, уни оҳиста пастга тортди-ю, бармоқлари чўққа теккандек, бутун вужуди сесканиб кетди. У билагини силкиб, бармоқларига тикилди: ари ё илон чақдими дея қўрқиб кетди. Қўлларида ҳеч нарсанинг изи йўқ эди. Манглайини тер босиб, боши қизиганини сезди. Уч йил муқаддам асаларилар уясини очаётганида икки бош бармоғи ва бурнининг учини арилар чаққанида шундай ҳол юз берганди. Ўшанда тўрт ой бош оғриғидан қутулиб, бардам юрди. Касали қўзғолганида эса яна икки бармоқлари учи ва бурнини асалариларга чақтирди: ҳеч қандай наф бўлмаганди...

Шу дафъа ўн-ўн беш одим нарида, оқпушти гулларга бурканган, ҳарир парда ёпинган келинчакдек наъматак орасида булбул сайради. Унинг овози ғоят ёқимли, ғоят дилрабо эдики, йигит унга маҳлиё бўлиб қолди. У ёнига яқинлашган ҳамроҳини ҳам сезмади:

— Маъруф ким билан гаплашдинг? — сўради жўраси.

Йигит булоққа қаради: жийда шоҳидаги яхтак ҳам, булоқ сувида қўл-юзини юваётган отахон ҳам йўқ эди. Маъруф олисларга тикилди, чўққилар оша хилпираб учиб бораётган оқиш яхтак кўзга илғанди.

— Хов, яхтакли отахонни кўрдингми?

— Маъруф, булоқ сувидан ичиб ол, чарчабсан...

Носир булоқ бўйига чордона қуриб ўтириб, оби ҳаёт ича бошлади, Маъруф эса булбул нолишига маҳлиё бўлганича наъматак томон беихтиёр юрди.

Одам шарпасини сезган сайроқи бир зумда қаергадир ғойиб бўлди. Маъруф оқ-сарғиш гулга бурканган наъматакка суқ билан термулиб қолди. Унинг кайфияти чоғ. Узоқ муддатли карахт уйқудан кўз очиб, гўё қайта туғилгандек ғоят тетик, табиат гўзалликларига тўймасди. У қайсидир алломанинг сўзларини эслади: табиат муъжизаларидан баҳра олмоқ учун инсон соғлом ва зукко бўлмоғи зарур! Бир неча одим нарида, катта қоя пойидаги ўтлар орасида бир гала қушларнинг чуғури бошланди. Маъруф баланд ўтларни у ён-бу ён суриб, ўша ёққа қаради. Қоп-қора қушчалар қандайдир кўкат илдизини тутиб, уни суғуриб олишга уринаётган эди. Маъруф оёқ учида уларга яқинлашди. Қушлар ўлжасини ташлаб учиб кетди.

Йигит чўкка тушиб, кўкатларни кўздан кечирди: ёввойи қулупнакка ўхшайди, лекин барглари ялтироқ, қалин, тугмачасимон мевалари қип-қизил, илдизи қизғиш, панжали. Улар ёй шаклида, ипга тизилгандек қатор бўлиб ўсганди. Маъруф бирини илдизи билан суғуриб ҳидлади: ғоят хушбўй. Йигит шунақа ўтни Масанги қишлоғидаги шифокор чол уйида кўрганини эслади. Худди ўша! Демак, зўр зиравор бу. Маъруф ёнидан пичоқни олиб, доривор ўтларни илдизи билан ковлаб, халтасини тўлдирди. Сўнг булоқ бўйида ҳузур қилиб ўтирган ошнасига мақтанди:

— Боботоққа таъзим, бош оғриғим қолди, кўзим равшан тортди. Боз устига хазина топдим...

Икки ошна кун бўйи тоғда сайир қилишди. Намозтошга келиб, улуғ ва азиз боболар изини кўзга суртиб, зиёрат айлаб, ўтганлар руҳи покига дуо фотиҳалар ўқишди.

Тоғ сўқмоқларини кезишганда ҳам, уйга қайтишаётганда ҳам Маъруф хаёлидан дори ўт нари кетмади. Ундан зўр дори тайёрласа бўлар. Аммо қандай қилиб? Балки ўзини еб кўрса-чи?!

...Ўғлини тоққа юбориб, дарди ариб келганини кўрган Бибинисо аянинг қувончи чексиз эди:

— Болам, ота-болалар руҳи сенга мададкор бўлганига шукр. Аллога қилган нолам етгани рост бўлсин, — дея ўғлини қучиб, манглайидан ўпди.

Ўша куни уй тўйхонага айланди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар келишиб хонадон қувончини баҳам кўришди. Маъруф улар билан бўлган суҳбатларда тоғ сўқмоқларини кезганини, шаршаралардан олган ҳузурини, Намозтошга бориб сиғинганини, бошининг «шовуллаши», оғриғи йўқолганини завқ-шавқ билан сўзлаб берди. Аммо у оқ яктакли чол ҳақида, бир халта дори ўт олиб келганлиги тўғрисида ҳеч кимга сўз очмади. Яна бир гап қўл-бармоқлари то билагигача чўкдек ёнаётгани, агар кафтлари орасига тухум қўйса пишгудек бўлаётганини ҳатто ёстиқдоши Турдихондан ҳам сир сақлади. Кечки пайт у бир неча ойдан буён гаражида чанг босиб ётган мотоцикли ёнига келиб, уни артиб-суртиб, мой қуйди. Минишга тахт қилиб, йўлакка етаклаб чиқди.

— Соғиндингми? Ўзингга буюрсин, — дуо қилди уни онаси.

Эртаси кун тонгда Маъруф бир тугунда тўн-дўппи, белбоғ, қўйлак-иштон, бошқасида патир, қанд-қурс олиб, мотоциклида кекса шифокор қишлоғига жўнаб кетди.

Йигит қирлар, адирлар оша даралар бағридаги қишлоққа етиб келганида борлиққа оқшом чўкмоқда эди. Йўлларни хас-чўп, хазон босган. Катта ёнғоқ тагидаги пастак эшик ёнида, ҳассасини даҳанига тираган озғин чол — шифокор хизматчиси Асил ота шўппайиб ўтирганди.

— Қуллуғ! Қандай шамол учирди? — деди чол Маъруфни қучоқлаб.

— Сизларни зиёрат қилгани келдим.

Йигит чолга тўн кийгазди, белига белбоғ боғлади. Сарполарни қўлига тутқазди.

— Пир пилан жойнинг файзи кетди, — деди чол. — Унинг чироғини ёқиб ўтирибман. Гоҳо битта-яримта бемор келиб қолса, дори ўтлардан беряпман.

Чол йигитни уйга бошлади. Пастак айвонга қўйилган кичкина хонтахта атрофига кўрпача ўрнида қалин жунли пўстаклар тўшалган эди. Мезбон Маъруфни кийик гўшти солинган шўрва билан сийлади. Йигит Асил ота билан хира чироқ ёнида узоқ тунгача суҳбатлашиб ўтирди. Маъруфнинг бу ерга келишидан мақсади ягона эди: шифокордан дори тайёрлаш бўйича кўрсатма ё хатпат қолгандир деб хаёл қилганди.

— Пирим, ёзув-чизув қилмасди, — елка учирди чол унинг бу ҳақидаги саволига. — Бир кун қалин қоғозга дори ўтлар белгисини чизганини кўргандим, холос.

— Ўшани топиб беринг, — илтижо қилди йигит.

Эртаси кун Асил ота уни шифокорнинг дори тайёрлайдиган ҳужрасига олиб кирди. Бор нарсаларни — катта-кичик халтачаларга солинган турли-туман дори ўтлар, гиёҳлар, ҳар хил илдизларни бирма-бир кўрсатди. Дори пишириладиган қозон, човгун, сузгич, кафгир, ўлчов қошиқларни олдига тизиб қўйди. Лекин дори ўт белгиси чизилган дафтар топилмади. Маъруфнинг ҳафсаласи пир бўлиб, қўлтиғидан тарвузи тушди. У чол билан хайрлаша туриб, унинг қўлига бир даста пул берди: «Мен энди қачон бу ерга келаман, бирор корингизга ярар» деди. Чол кўзлари намланиб, уни дуо қилди, кейин «Пича сабр қил, яна бир қарай» деб ҳужрага кириб кетди. У ерда узоқ тимирскиланиб қолди. Ниҳоят, ҳарсиллаб ҳовлига чиқди.

— Бир нима топдим! — деди чол хушнуд бўлиб. — Ҳужра шипининг орасида экан. — Кўр буни.

У йигитга ғалтак қилиб ўралган дафтарнинг қалин муқовасини узатди. Маъруф уни шоша-пиша очди. Дафтарнинг тўрт муқоваси ичига турли доривор ўтлар шакли, ёнларига ҳар хил белгилар чизилган, қошиқча, торози палласи, сувдон расмлари эгри-бугри, беўхшов туширилганди. Маъруф уларга диққат билан термулди. Улар орасида кечагина ўзи тоғдан топган дори ўтининг белгисини кўрди. Унинг барги шакли чизилган бўлиб, ёнига «Зимсиё» деб ёзилган ҳамда одамнинг пешонаси ва товони расми туширилганди.

«Аллоҳ мадад берса, бу сирни очарман» дея ният қилди Маъруф ва дафтарни чўнтагига солиб, хурсанд ҳолда чол билан хайрлашди.

Маъруф оиласини, рўзғор юмушларини унутиб, бир ҳафта уйда ўтириб ўша дафтар муқовасидаги белгилар сирини ўрганишга урунди. Яна ўн кун уни кўздан кечирди, эринмади, йигирма кун унга термулди. Лекин ундаги жумбоқни еча олмади. Ўша кунлар ичида у битта хулоса чиқарди, холос. Яъни у Арслонбопда топган дори ўтини тахминан «Зимсиё» дейишган. Шифокор қўйган белгиларга кўра, у одамнинг барча аъзоларига — яъни бошидан то товонигача бўлган дардга даво... Лекин ундан қандай фойдаланиш керак? Ана жумбоқ!

Арслон изидан, мард йигит йўлидан қатмас деганлар. Маъруф семиз буқасини сотиб, пулини белига тугиб яна изланишга тушди. Катта-кичик шаҳарларга бориб, нодир китобларни тўплади, кутубхоналарда ўтириб, тиббиётга доир, дори тайёрлашга оид адабиётларни эринмай ўрганди. Ибн Сино китобларини қайта-қайта кўздан кечирди. Ўқиганлари, ҳаётда кузатганларидан чиқарган хулосаси қисқа эди: ҳар бир касалнинг боши шамоллаш. Дарднинг асоси харом қон тўпланишидан. Агар у тери яқинида тўпланса, баданни яра босади. Ичкарида бўлса бирон-бир аъзони фалаж қилади...

Бас, шундай дори бўлсаки, у шамоллашни олса, ҳаром қонни парчалаб, бадандан йўқотса...»

Маъруф бўш бўлди дегунча яна ўша дафтар муқовалари белгиларига узоқ термулиб ўтирарди. Ўша кечалари у тушида шифокор чолни бот-бот кўрарди: у оппоқ соқолларини сийпаб, олисдан йигитга жилмайиб қараб турарди, Маъруф унга яқинлашса, кўздан ғойиб бўларди. Демак, «пир менинг хатти-ҳаракатларимдан хушнуд»дея ўзича изоҳларди йигит тушини...

Таваккал тоғни йиқар, дадиллик ёвни! Маъруф тоғ ўтларидан дори тайёрлади: ҳиди ёқимли, ранги пушти, мусалласга ўхшаш. Лекин икки хол унинг кўнглини хира қилди: биринчиси дорини сузаётганида кўзи бир оз ачишди. Иккинчиси, ранги тўқ қизил тус олмади.

Маъруф изланиш, елиб-югуришлардан ҳориб, қаттиқ ухлаб қолди. Тонгга яқин даҳшатли туш кўрди: белидан пасти узун думли аждаҳо, боши одамсимон сочлари ёйилган, яшил либосга ўралган аёл Маъруфнинг ортидан келиб, унинг юзига зарб билан тарсаки солди, бечора ерга чал-парчин учиб думалаб кетди. Йигит даҳшатдан чўчиб уйғонди: аъзойи баданини муздек тер босганди. У ташқарига чиқди, кўрган тушини ўйлаб, ҳовлида бир оз айланиб юрди. Сўнг уйга отилиб кирди: кечаси тайёрлаб, шиша балонни тўлдириб қўйган дорисини олиб уни ток тагини ковлаб тўкди-да, устидан тупроқ тортди.

Маъруф уч кун хаёли паришон бўлиб, хомуш юрди. Қўли ҳеч бир ишга бормай қолди. Кечга яқин яна дори тайёрлайди-

(Давоми 4-бетда)

